

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФАОЛИЯТ ЙОРИТАЁТГАН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Атаисматов Иқболжон Зумратжонович

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби МВА-Бизнесни бошқариш йўналиши

магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7225669>

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналарни бошқаришининг ҳолати ва унга таъсир қилувчи омиллар таҳлили жорий ҳолати кўриб чиқилди. ЭИЗларни жозибадорлигини янада ошириши ва маълумотлар очиқлигини таъминлаши мақсадида инвесторларга кенг имкониятлар яратиш орқали ЭИЗлар фаолиятининг янада жонлантириши бўйича таклифлар ишилаб чиқилди.

**Калим сўзлар:** эркин иқтисодий зоналар, дирекция, веб-сайтлар, кенг ёритиши, хорижий инвестициялар, таомиллаштириши, маълумотлар очиқлиги.

## АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ УПРАВЛЕНИЯ СВОБОДНЫМИ ЭКОНОМИЧЕСКИМИ ЗОНАМИ, ДЕЙСТВУЮЩИМИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН, И ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА НЕГО

**Аннотация.** В данной статье были рассмотрены современное состояние управления свободными экономическими зонами, действующими в Республике Узбекистан, и анализ факторов, влияющих на него. В целях дальнейшего повышения привлекательности ОЭЗ и обеспечения открытости информации были разработаны предложения по дальнейшей активизации деятельности ОЭЗ путем создания широких возможностей для инвесторов.

**Ключевые слова:** свободные экономические зоны, дирекция, сайты, широкий охват, иностранные инвестиции, совершенствование, информационная открытость.

## ANALYSIS OF THE STATE OF MANAGEMENT OF FREE ECONOMIC ZONES OPERATING IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE FACTORS AFFECTING IT

**Abstract.** In this article, the current state of the management of free economic zones operating in the Republic of Uzbekistan and the analysis of factors influencing it were considered. In order to further increase the attractiveness of SEZs and to ensure the openness of information, proposals were developed for further revitalization of SEZ activities by creating wide opportunities for investors.

**Key words:** free economic zones, directorate, websites, broad coverage, foreign investment, improvement, information openness.

### КИРИШ


Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига ўтган даврдан бошлаб ижтимоий-иктисодий сиёсатни амалга оширишда давлат раҳбари ва хукумат томонидан ҳар томонлама чуқур ўйланган тизимли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлизлигини

кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда худудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш ҳар қандай давлат учун кечиктириб бўлмайдиган масала ҳисобланади. Бундай вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни ғоятда муҳимdir.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уни бошқариш муҳим тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон эркин иқтисодий зоналарни бошқариш органларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабр санасида «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПФ-5600-сон фармони қабул қилинди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги фармонига асосан мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси шакллантирилди, маъмурий функцияларни номарказлаштириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг фаолиятини бошқариш механизми соддалаштирилди. Ушбу фармонга кўра эркин иқтисодий зоналарни бошқарув ваколати маъмурий кенгаш ва эркин иқтисодий зоналарнинг дирекцияси ҳисобланади. Маъмурий кенгашнинг бошқариш функциясига эркин иқтисодий зоналарни бошқаришга оид аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган бир турдаги ишлар ишлар мажмуми тушунилади. Бунда, маъмурий кенгаш эркин иқтисодий зоналарни фаолиятини маъмурий жиҳатдан бошқариш, мувофиқлаштириш ва давлат йўли билан тартибга солиш, шунингдек, алоҳида хуқуқий тартибга риоя этилишини назорат қилиш, инвестиция лойиҳаларини танлаш ҳамда уларни эркин иқтисодий зоналар худудида амалга ошириш учун жойлаштириш бўйича қарор қабул қилиш, эркин иқтисодий зоналарни самарали фаолиятини ташкил этиш, дирекцияларини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш вазифаларини амалга оширади. Эркин иқтисодий зонанинг чегаралари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бирлиги (туман, шаҳар, шаҳардаги туман) чегарасига тўғри келган тақдирда, Маъмурий кенгаш раисининг вазифаларини ижро этиш тегишли ҳоким зиммасига юкланади.



## Жадвал. Маъмурий кенгаш ваколатлари

Эркин иқтисодий зона дирекцияси давлат унитар корхонаси тезкор бошқарув учун ўзига берилган давлат мулки бўлган мулк базасида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади, у ўзига биринчилик мулкка нисбатан, қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдор (ёки унинг топшириғи билан- у томонидан масъул этиб тайинланган давлат органи-муассис) топшириқларига мувофиқ эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш хукуқини амалга оширади.

Эркин иқтисодий зона дирекцияси тузилмаси



Эркин иқтисодий зоналар дирекцияси алоҳида хукукий тартиботнинг амал қилишини таъминлаш, дирекция худудида жойлашган инвесторлар мажбуриятлари лозим даражада бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш, эркин иқтисодий зоналар ривожлантириш дастури амалга оширилишини таъминлаш, эркин иқтисодий зоналар худудида хўжалик фаолияти қатнашчиларини рўйхатдан ўtkазиш вазифаларини бажаради.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Эркин иқтисодий зоналарни бошқарув самарадорлигини тўлиқ ҳолда қиймат кўрсаткичлари билан ўлчаб бўлмайди. Чунки ижобий ўзгаришлар нафақат ўша минтақада, балки қўшни минтақаларда ҳам содир бўлади. Эркин иқтисодий зоналар нафақат ўз майдонига, балки зона атрофидаги минтақаларга капитал маблағлар ва хорижий валюталар оқимини ошириш йўли билан ижтимоий-иктисодий самара келтиради. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш мамлакат учун яхши самара ҳам беради, яъни миллий иқтисодиётга юқори малакали меҳнат ресурслари келади, замонавий технологиялар, ноу-хаулар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси олиб келинади ҳамда маҳаллий кадрларга ўргатилади. Эркин иқтисодий зоналар маркетинг самарасини беради, яъни зонада яхши ишни ташкил эта олган корхоналар(фирмалар) мамлакатнинг қолган корхоналари учун ишни ташкил этишда ўрнак бўлади. Эркин иқтисодий зоналарда хукumat томонидан қўйиладиган тўсиқларни камайтириш йўли ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигига ижобий таъсир қиласи. Бу эса мамлакатда иқтисодиётни либераллаштириш жараёнини тезлашишига ёрдам беради.

Эркин иқтисодий зоналарлар устунлигининг яна бир жиҳати илғор технологияларнинг берилиши (тарқалиш)дир. У бевосита, билвосита ва рақобат самараларини беради.

- бевосита самара - бу эркин иқтисодий зоналардаги корхоналарнинг янги технология туфайли замонавий, рақобатбардош, сифатли, арzon товарлар ишлаб чиқаришларидир;

- рақобат самараси – бу янги технологияга ўтган корхоналар зона ичида ва зонадан ташқари фирмалар ўртасида рақобатни кучайтириб юборади, бунинг натижасида фирмаларни илғор технологияларни қўллашга, янги технологиялар яратиш учун илмий тадқиқотлар қилишга мажбур қиласди.

Эркин иқтисодий зоналар бандлик даражасини ошириш йўли билан ҳам мамлакат иқтисодиётига ижтимоий-иқтисодий самара келтиради. Эркин иқтисодий зоналарнинг самарадорлиги, биринчи навбатда, уни барпо этиш сиёсатининг, яъни зонал сиёсатнинг пухта ишлаб чиқилганлигига ҳамда бу сиёсатни кетма-кетлиқда, тўғри амалга ошира билишга боғлиқдир. Эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлиги, унинг фаолиятини хукуқий жиҳатдан сифатли таъминланганлигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини оширмоқчи бўлсак, унинг талабларига жавоб берадиган норматив хукуқий базани яратиш зарурдир. Эркин иқтисодий зоналарнинг яшовчанлиги ва самарадорлиги унда жойлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмига ҳамда бу корхоналарнинг бир-бирига ҳамкор бўла олиш даражасига боғлиқ. Чунки буларсиз эркин иқтисодий зоналарнинг ўзига хос иқтисодий механизми ишлаб кетиши имконига эга бўлмайди.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Бир-бирига унча боғлиқ бўлмаган, кам сонли корхоналар одатда, эркин иқтисодий зоналарга етарли самара бера олмайди. Агар зонага четда жойлашган корхоналар жалб қилинса, унда хўжалик юритишнинг икки тури - зонал ва маҳаллий турлари шаклланади. Бу эса зонани бошқаришни мураккаблаштириб юборади.

Эркин иқтисодий зоналар бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи қуйидаги омилларнинг ҳисобга олиниши лозим:

- эркин иқтисодий зоналар учун жой танлашда оқилона ёндашув (танланган майдонда инвестициявий ҳамкорликни олиб бориш учун объектив шароитларнинг мавжудлиги);
- имтиёз ва қулайликлар тизимини яратишида хорижий инвесторлар манфаатини ҳар томонлама ҳисобга олиш;
- қабул қилувчи мамлакатда қулай инвестиция муҳитини сақлаш кафолатининг мавжудлиги;
- эркин иқтисодий зоналар зарурый ва ишчи инфратузилмасининг мавжудлиги ёки уни яратиш учун молиялаштириш имконининг борлиги;
- зона маъмурӣ бошқарув тизимининг самаралилиги ва ўта мослашувчанлиги.

### Эркин иқтисодий зоналар фаолиятида кўп учрайдиган омиллар қиёсий таҳлили

№	Кўп учрайдиган омиллар	Таъсир натижаси	Ҳозирги кундаги ҳолатни қиёсий баҳолаш (3-қониқарли, 4-яхши, 5-аъло даража ҳисобланади)		
			Навоий	Ангрен	Жиззах
1.	Жой танлашда оқилона ёндашув	Маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланилиши	4	5	4
2.	Хорижий инвесторлар манфаатини ҳимоялаш тизими	Манфаатдорлик даражаси	4	4	4
3.	Қулай инвестицион мұхит	Инвесторлар оқими даражаси	4	5	4
4.	Зарурый ва ишчи инфратузилмасининг мавжудлиги	Инфратузилмасининг ҳолати	4	4	3
5.	Маъмурӣ бошқарув тизимининг мослашувчанлиги	Намунали бошқарув тизимини яратиш	3	3	3

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятида кўп учрайдиган омилар қиёсий таҳлилидан шуни кўриш мумкинки маъмурий бошқарув тизимининг мослашувчанлиги қониқарли эмас ва бошқрув самарадорлигини оширишда инсон фактори купроқ рол уйнашини куришимиз муцмукун бўлмоқда.

### **МУҲОКАМА**

Умуман олганда, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, эркин иқтисодий зоналар фаолияти ўз оқибатига қараб турлича бўлиши мумкин. Уларнинг самарадорлиги эса эркин иқтисодий зоналар учун жойни тўғри танлаш, йўналишни тўғри танлаш, сиёсий, иқтисодий, географик ва бошқа турли омилларни ҳисобга олиш, хориждан инвестиция ва технологияни жалб қила билиш, ташки иқтисодий фаолиятни жадаллаштира олишга боғлиқ. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг самарадорлиги эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан кўзланган аниқ бир мақсадни қўйилганлиги, имтиёзлар тизими қай даражада, қай тарзда танланганлигига ҳам боғлиқ. Кўйилган мақсадларнинг кўплиги ва ноаниқлиги асоссиз равишда имтиёзлар фаолиятнинг барча шакллари тарқалишига, охир-оқибатда зона ишида ҳеч қандай самара бермасликка олиб келади.

#### **Таҳлил қилаётган эркин иқтисодий зоналарда яратилган шарт-шароитларнинг қиёсий таҳлили (2017 -2021 йилдаги ҳолат юзасидан )**

№	Эркин иқтисодий зоналардаги шарт -шароитлар	Навоий ЭИЗ	“Ангрен” ЭИЗ	“Жиззах” ЭИЗ	Ўртacha
1	Мамлакатдаги сиёсий барқарорлик даражаси.	5	5	5	5
2	Хорижий ва миллий инвесторларнинг фаолиятини рағбатлантирувчи ва ҳуқуқларини кафолатловчи пухта ишлаб чиқилган қонуний асосларнинг мавжудлиги, умумий қулай инвестициявий мұхит.	3	4	3	3,3
3	Қулай табиий-географик жойлашув.	4	5	4	4,3
4	Ривожланган инфратузилма (ишлаб чиқариш, тижорат).	5	5	4	4,6
5	Қулай иқтисодий коньюктура.	5	5	5	5
6	Famxўр ва мослашувчан бошқариш тизими.	4	4	3	3,6

Изоҳ: (5) - ҳозирги пайтда эркин иқтисодий зоналарида ушбу шарт-шароит мұваффақиятли ишлайди.

(4) - ҳозирги пайтда эркин иқтисодий зоналарида ушбу шарт-шароит мұваффақияти паст ишламоқда.

(3) - ҳозирги пайтда эркин иқтисодий зоналарида ушбу шарт-шароит мұваффақиятсиз ишламоқда.

Таҳлиллар натижасида “Навоий” эркин иқтисодий зонаси (НЭИЗ) фаолияти самарадорлигини қўйидаги мезон кўрсаткичларга қараб баҳолаш мумкин деган хulosага келдик:

- хорижий капиталнинг оқими, шу жумладан зонада фаолият олиб бораётган қўшма корхоналар сони;
- мамлакат товарлар импортига қилинадиган харажатнинг камайиши;
- ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида экспорт маҳсулотнинг ҳиссаси;
- фаолиятнинг янги турларига ихтисослашуви, шу жумладан зонада хизмат кўрсатишининг ривожланиши;
- таъминотнинг яхшиланиши, хизмат кўрсатишининг ривожланиши;

- янги яратилган иш жойлари, зонада бандлик даражасининг ўсиши.

Аммо, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини иқтисодий натижаларининг барчасини аниқ ҳисоблаб бўлмайди, уларнинг айримлари вақт жиҳатдан кечикади ёки чўзилади. Бундай натижалар билвосита натижалар ёки самара дейилади, уларга қуидаги мезон-кўрсаткичларни киритиш мумкин:

- янги технологиялар билан танишишнинг осонлашуви;
- хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг янги усулларини эгаллаш;
- мамлакатнинг экспорт базасини кенгайтириш;
- янги тармоқларнинг яратилиши;
- минтақавий номутаносибликни бартараф этилиши;
- кадрлар салоҳиятини сақлаш ва ривожлантириш (бошқа минтақалар ва хориждан мутахассисларни жалб қилиш, фирмалараро миграция ва ҳоказо).

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар бошқарув органларини самарали фаолиятни амалга оширганлиги натижасида 2020 йил якунига қадар фаолият кўрсатаётган ЭИЗ ҳудудларида умумий қиймати 487,4 млн долларга тенг бўлган 128 та лойиҳа амалга оширилди. Шундан 162,1 млн долларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Лойиҳалар замонавий иссиқхоналар қуриш (204,7 млн долларлик 62 та лойиҳа), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (140 млн долларлик 18 та лойиҳа), кимё ва нефть-кимё саноати (50,6 млн долларлик 13 та лойиҳа), озиқ-овқат саноати (15,9 млн долларлик 10 та лойиҳа), тўқимачилик саноати (20,1 млн долларлик 8 та лойиҳа), машинасозлик (6 млн долларлик 2 та лойиҳа), чарм-пойаббзал саноати (14,9 млн долларлик 5 та лойиҳа), электротехника саноати ( 13,7 млн долларлик 3 та лойиҳа), фармацевтика саноати (56,3 млн долларлик 6 та лойиҳа), мебель ва қофоз ишлаб чиқариш (1,1 млн долларлик 1 та лойиҳа) каби соҳаларни қамраб олди. Ўтган даврда эркин иқтисодий зона иштирокчи корхоналар 11,9 трлн сўмлик 538 турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариб, 257,6 млн долларлик маҳсулотларни экспорт қилдилар, бу эса пандемиянинг салбий иқтисодий оқибатларига қарамай, 2019 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 145 фоизга ошиди. Шунингдек, 186 та янги корхона эркин иқтисодий зона иштирокчиси мақомини олди. ЭИЗларни зарур инфратузилма билан таъминлаш уларнинг самарали ишлаши ва янги инвесторлар ва тадбиркорларни ўз ҳудудларида лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилишнинг асосий омили ҳисобланади. Шу муносабат билан, 2022 йилда мавжуд ЭИЗни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш бўйича ишларни бажариш учун 890 млрд сўм ажратиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2022 йил 28 январдаги “2022- 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли фармонининг Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш йўналишида Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш, Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгacha пасайтириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш мақсад қилиб олинган.

Эркин иқтисодий зоналарни бошқаришнинг ҳолати ва унга таъсир қилувчи омиллар таҳлилини амалга ошириш давомида қўйидаги хулоса бериш мумкун.

Эркин иқтисодий зоналарни давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини ошириш ва уларнинг фаолияти кўрсатиши шартларини ўзгартириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ягона интеграл мезондан фойдаланган ҳолда Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини комплекс баҳолаш зарур. Эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини оширишда ЭИЗда фаолият юритувчи резидентларни асосий фаолияти кўламини оширишни жадаллаштириш муҳим ҳисобланади. Эркин иқтисодий зоналарни бошқаришда зонада фаолият юритувчи тадбиркорлар томонидан экологик тоза ишлаб чиқаришгандиги учун қўшимча имтиёзлар берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Эркин иқтисодий зоналар бошқарув тизимини самарадорлиги ва инвестицияларни жалб қишишда янад аочикроқ бўлиши ва расмий вебсайтлари яратиш тавсия этилади. Мамлакатда ЭИЗларда тадбиркорлик фаолиятини юритмоқчи бўлган тадбиркорлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун ҳудудлар ажратишида ЭИЗ бошқарув органларни фаолиятида шаффофликни таъминлаш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда зарур омилдан бири бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари яна бир омилга алоҳида эътибор бериш лозим, эркин иқтисодий зоналар фаолияти дарров ижтимоий-иктисодий самара (биринчи навбатда, ижтимоий самара) бермайди, у қандайдир вақт оралигини талаб қиласди. Агар эркин иқтисодий зоналар мавжуд минтақаларда ишловчиларнинг иш ҳақлари ўса бошласа, хориждан инвестиция кўпроқ кела бошласа, ишсизлар сони камая бошласа, бозорларда товарлар кўпая бошласа, демак эркин иқтисодий зона яхши ишламоқда. Эркин иқтисодий зоналар яратишида барча қоидаларга, талабларга риоя қилинса ҳамда тайёргарлик ва ташкилий ишлар бошидан пухта олиб борилса, унинг самарали ишлашига кафолат бор.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, таҳлил ва натижалар муҳокомасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда ЭИЗларни веб-сайтлар орқали ёритиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш бўйича ечимини топиш керак бўлган масалалар борлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб, республикамида ЭИЗларни янада такомиллаштириш мақсадида қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан ЭИЗларни ташкил этишининг мустаҳкам ҳукуқий асосларини ягона умумлаштирилган бир ҳужжат - кодексга келтириш лозим. Махсус иқтисодий зоналар бўйича ягона норматив ҳужжати орқали хорижий ва маҳалай тадбиркорларга ЭИЗлар қонунчилик асослари билан тез ва осон танишиш ҳам керакли маълумотларни олган ҳолда қарорлар қабул қилишга ўз ҳисасини қўшган бўлар эди;

Иккинчидан ЭИЗлarda қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида маълум муддадгача ўзгармас солиқ, божхона ва бошқа имтиёзларини қонунчилик асосида кафолатланган ҳолда тақдим этиш;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарининг ягона порталида ([www.sez.gov.uz](http://www.sez.gov.uz)) ЭИЗлар кесимида берилган маълумотларни давлат тилидаги версияини ишлаб чиқиш, ҳамда ЭИЗлар веб-сайтларида

([www.feznavoi.uz](http://www.feznavoi.uz) “Навоий” ЭИЗ веб-сайти) ЭИЗлар тўғрисида статистик ва иқтисодий маълумотлар очиқлиги таъминланиши керак;

Туртинчидан, Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарининг ягона порталида ([www.sez.gov.uz](http://www.sez.gov.uz)) берилган ишонч рақамлари доимий ишлаш режимини жорий қилиш ва ишонч рақамларга жавоб берилишини назорат олиш.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарининг ягона порталида ([www.sez.gov.uz](http://www.sez.gov.uz)) мурожатлар билан ишлаш тизими бўйича алоҳида саҳифа ташкилаш ҳамда инвесторлар таклифини соҳалар кесимида, инвеситиция миқдори, амалга ошириш мудати, яратиладиган ишчи ўрни куринишида қабул қилиш имконини берадиган форма яратиш лозим;

Бешинчидан, хорижий инвесторларни жалб қилишни фаоллаштириш мақсадида ЭИЗларни тарғибот-ташвиқот қилишни доимий равишда ташкил этиш, шунингдек чет мамлакатлардаги конференциялар, форумлар ва халқаро учрашувлар ўtkазиш ва ЭИЗларни интернет сайтлари орқали кенг тарғиб қилиниши керак;

## REFERENCES

1. Қонун (1996) Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги 220-I сон.
2. Қонун (2020) Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон.
3. Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги № ПФ-4947 сон.
4. Фармон (2008) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги фармони. № ПФ-4059 сон.